

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

---

**PhD.04/30.09.2020.Tib.122.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВ ФАРРУХ АКРАМОВИЧ**

**СПАСТИК ТЕТРАПАРЕЗ МАВЖУД БОЛАЛАРДА, БОЛАЛИКНИНГ  
I-II ДАВРИДАГИ АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ  
ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 616.61: 008.6 : 614.777 : 611.61 - 085 - 085 (575.146)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Жумаев Фаррух Акрамович**

Спастик тетрапарез мавжуд болаларда, болаликнинг I-II давридаги антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи..... 3

**Жумаев Фаррух Акрамович**

Сравнительная характеристика антропометрических показателей у детей I-II периода детства со спастическим тетрапарезом..... 25

**Jumaev Farrux Akramovich**

Comparative description of anthropometric parameters in children with spastic tetraparesis, I-II period of childhood..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

---

**PhD.04/30.09.2020.Tib.122.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВ ФАРРУХ АКРАМОВИЧ**

**СПАСТИК ТЕТРАПАРЕЗ МАВЖУД БОЛАЛАРДА, БОЛАЛИКНИНГ  
I-II ДАВРИДАГИ АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ  
ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4008 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmti.uz](http://www.bsmti.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Султонова Лола Джахонкуловна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оponentлар:** Расулов Ҳамидулло Абдуллаевич  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
Камалова Малика Илхамовна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ҳузуридаги Илмий даража берувчи PhD 04/30.09 2020.Тиб 122.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «12» 07 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри. Янги Турон кўчаси 2-а уй. Тел: (+99895) 400-01-14, факс (99873) 245-59-07 e-mail: [info@fjsti.uz](mailto:info@fjsti.uz))

Диссертация билан Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (318 рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри Янги Турон кўчаси 2а-уй. Тел: (+99895) 400-01-14, /факс(99873) 245-59-07 e-mail: [info@fjsti.uz](mailto:info@fjsti.uz))

Диссертация автореферати 2025 йил «07» 07 кун таркатилди.  
(2025 йил «07» 07 даги 20 рақамли реестр баённомаси)

  
А.А. Сидиков  
Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

С.А. Шакиров  
Илмий кенгаш илмий  
фанлари доктори

А.А. Ўшбаев  
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) дисертацияси анотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги.** Дунёнинг турли мамлакатларида спастик тетрапарез билан туғилувчи болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари мамлакатлар ва этник гуруҳлар орасида сезиларли фарқ қилади. Бугунги кунда илмий манбаларда ушбу патология билан оғриган беморларни ижтимоий мослаштириш ва ижтимоий ҳаётга жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...2023 йилда дунёда қариб 2,2 миллион бола церебрал фалаж (спастик тетрапарез) билан туғилади...»<sup>1</sup>. Аниқланган ногиронлик сабаблари орасида спастик тетрапарез болалар ногиронлигининг етакчи сабаблари орасида ҳар хил асабий касалликлар оқибатида юзага келадиган ҳаракат тизими бузилишларининг асосий сабабларидан сўнг дунёда 5-ўринни эгаллайди.

Бугунги кунда педиатрия ва неврология соҳасида турли омилларнинг ижобий ва салбий таъсири, саломатлигида қатор ўзгаришлар, оилавий ва ижтимоий муҳитнинг бузилиши, наслий касалликлар натижасидаги **спастик тетрапарезли болаларнинг антропометрик белгиларин** асослаш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда спастик тетрапарезли болаларнинг антропометрик кўрсаткичларини қиёсий ўрганиш замонавий педиатрия ва неврологиянинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб, эрта ташхис, самарали даволаш ва реабилитация чораларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди. Дунёнинг турли минтақаларидаги фарқлар ва болаликнинг турли даврларидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали ҳар бир бола учун индивидуал ёндашув ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, шу жумладан турли этиологияли соматик касалликларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, Янги Ўзбекистонда 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ тиббий хизматлар даражасини янги босқичга кўтариш «...ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, асаб тизими касалликлари билан оғриган фертил ёшдаги аёлларларга юқори технологияли ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup>. Шунга асосан спастик тетрапарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврида бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи бўйича янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш долзарбдир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-

<sup>1</sup> World Health Organization WHO 2023. URL: <http://www.who.int/bulletin/volumes/116/ru>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони

санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарор ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Республика VI – “Тиббиёт ва фармакология” устувор илмий-технологик йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тиббиёт фанлари ва технологияларининг ривожланиши билан сўнгги пайтларда спастик тетрапарез билан оғриган беморларда патологик ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш учун замонавий диагностика усуллари, шу жумладан молекуляр-генетик (Komur M, Okuyaz S, Ezgu F, Atisi A.A., 2023), иммунокимёвий тадқиқотлар, шунингдек магнит-резонанс томография тобора фаол қўлланилмоқда. Бироқ, олинган натижалар кўпинча уларнинг клиник аҳамияти ва амалий қўлланилиши нуқтаи назаридан талқин қилинмайди. Кўплаб адабиётларда спастик тетрапарез билан оғриган беморларга хос бўлган юрак-қон томир, гастроэнтерологик, эндокрин, иммунологик ва гематологик бузилишлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, уларда ортопедик патологиялар, шунингдек, кўриш ва эшитиш функциясидаги оғишларга бағишланган тадқиқотлар натижалари келтирилган (Dhawan SR, Saini L, Verma Attri S, Kumar A, 2022).

Россия Федерацияси олимларининг олиб борган ишларида у ёки бошқа тизим шикастланишининг патогенетик механизмларига уларни клиник расмийлаштирилишини таърифлаган ҳолда эътибор қаратишмоқда, шунингдек мос келувчи даволаш йўллари ва тузатиш учун таъсир кўрсатиш усуллари аниқлашмоқда ( В. В.Умнова, Е.А.Залазаева 2022).

Болалик даврида турли патологияларда, хусусан, спастик тетрапарез билан оғриган беморларда краниофациал соҳанинг морфогенезини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар жуда чекланган ҳажмда тақдим этилган. Шу билан бирга, маълумки, юз-жағ зонаси онтогенез давомида сезиларли ўзгаришларга учрайди. Бугунги жамиятда юз шакли, чиройи ва унинг тузилишида мувозанатга тобора катта аҳамият берилмоқда (Шейх-Заде Ю.Р., Байбаков С.Е., Бахарева Н.С., Чупрунова Н.С. 2022). Болаларнинг жисмоний ривожланиши ва аъзоларининг функционал ҳолати

кўп жиҳатдан ақлий юкламалар даражасига боғлиқ. Сўнгги йилларда гормонал фоннинг ролига, хусусан, организмнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатадиган соматотроп гормон (СТГ) га тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. СТГ танқислиги кўпинча турли патологик ҳолатлар билан бирга келади. Юз-жағ соҳаси, ўз навбатида, организмнинг ўсиши ва етилиши жараёнида фаол ўзгарадиган анатомик зонадир (Н.А.Федорушкина).

Одамда бош ва юз соҳасининг ўсишини тартибга солувчи жараёнлар генетик, гормонал ва эпигенетик компонентларнинг мураккаб ўзаро таъсирига асосланган юқори даражада ташкил этилган ва кўп омилли механизмдир. Бош-жағ соҳаси суякларининг морфологик тузилишини шаклланишида бошқарувчи омиллар асосий рол ўйнайди. Уларнинг фаолиятидаги бузилишлар ушбу соҳада қайтарилмас ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Юз скелети суякларининг ўсишини назорат қилувчи механизмларнинг уйғун ишлаши бузилганда, уларнинг ривожланишининг секинлашиши кузатилиши мумкин, бу эса ўз навбатида бош-юз тузилмаларининг патологик шаклланишига олиб келади.

Охириги йилларда Ўзбекистонда тиббиётга қаратилган эътибор натижасида БЦФ бўлган болаларда чаноқ-сон, тизза ва болдир-товон бўғимларидаги контрактураларни мушаклардаги тонус ҳолати ҳамда ҳаракатлар даражасини белгиловчи диагностик мезонлардан фойдаланган ҳолда ташхислаш ва даволаш тактикаси таклиф қилинган. Ортопед-хирургларимиз томонидан БЦФ бўлган болаларда тизза бўғимининг оғир даражали букувчи контрактураси ва оёқ панжаси эквинусли деформациясини бартараф этиш мақсадида бўғим орқа капсуласининг Z-симон кесими таклиф қилинган (Ҳамроев Ф.Ш, Ҳамраев Ш.Ш. 2021).

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2022.PhD.143) «COVID-19 инфекциясидан кейин Самарқанд вилояти минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатларини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** спастик тетрапарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик давридаги болаларда антропометрик кўрсаткичлари ҳамда уларнинг гуморал иммунитетини ўрганишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

1. Спастик тетрапарез мавжуд болаларни жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда бошқа касалликлар (БЦФ, орқа мия ва бош мия травмалари билан ташхисланган беморлар ва соғлом болаларнинг кўрсаткичлари) билан қиёсий баҳолаш;

2. Спастик тетрапарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик давридаги болаларда кўл-оёқлар антропометрик кўрсаткичларини ўрганиш ва соғлом болаларнинг кўрсаткичлари билан таққослаш;

3. Спастик тетрапарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик давридаги болаларда краниофациал кўрсаткичларни ўрганиш ва соғлом болаларнинг кўрсаткичлари билан солиштириш;

4. Спастик тетрапарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик давридаги болаларда ва шу ёшдаги соғлом болаларда тана қисмининг қиёсий морфометриясини ўтказиш;

5. Спастик тетрапарез мавжуд болаларнинг гуморал иммунитетини аниқлаш ҳамда соғлом болаларнинг кўрсаткичлари билан қиёсий баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 316 нафар бола 2022-2024 йиллар давомида ўрганилган, улардан 116 нафари спастик тетрапарез билан касалланган болалар Самарқанд вилоят реабилитация марказидан ва шу ёшдаги 200 нафар соғлом болалар Самарқанд тумани 81- сонли мактабдан ва “Интеллект” МТМ дан олинди

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида 5-12 ёшдаги болалар жисмоний ривожланишнинг асосий параметрлари ва барча антропометрик кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари сифатида** Тадқиқотда спастик тетрапарез мавжуд ва соғлом болаларда антропометрик, иммунологик, морфометрик ва статистик текшириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

Илк бор спастик тетрапарез мавжуд 3-12 ёшдаги болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг шу ёшдаги БЦФ, орқа мия ва бош мия травмалари билан ташхисланган беморлар ҳамда соғлом болаларнинг кўрсаткичларидан пастлиги, уларнинг ёшга боғлиқ хусусиятлари, бола танасининг ўсиши, ривожланиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда асосланган;

спастик тетрапарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврдаги болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари таққосланганда соғлом болалар параметрларидан орқада қолиши аниқланган;

болаликнинг биринчи ва иккинчи давридаги соғлом болалар боши ва юзининг антропометрик кўрсаткичлари спастик тетрапарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврдаги болаларнинг маълумотлари билан ўрганилганда сезиларли даражада фарқланиши исботланган;

болаликнинг биринчи ва иккинчи давридаги соғлом болалар пастки мучаларнинг антропометрик кўрсаткичлари спастик тетрапарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврдаги болаларнинг кўрсаткичларидан сезиларли даражада фарқланиши аниқланган;

спастик тетрапарез мавжуд 3-12 ёшдаги болаларда иммун тизимининг гуморал бўғинида иммун танқисликнинг кузатилиши, IgA, IgG, IgM ва IgE кўрсаткичларининг ортиши, касаллик кечиши ҳамда якуний истикболини

белгиловчи кўшимча ташхислаш ва башоратлашнинг имунологик мезонлиги исботланган.

**Тадқиқот ишининг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат.

Спастик тетрапарез мавжуд болаларда антропометрик кўрсаткичларни ўрганилди ҳамда ушбу маълумотларни БЦФ, орқа мия ва бош мия травмалари билан ташхисланган беморлар ҳамда соғлом болалардан олинган кўрсаткичлар билан солиштириб ушбу кўрсаткичлар қанчалик фарқ қилиши ҳамда тананинг қайси қисми ушбу патологияда энг заиф эканлигини аниқлаш имконини берди;

ёш жиҳатидан тана ўсиши ва унинг турли қисмлари антропометрик кўрсаткичлари орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқлик педиатрларга тиббий кўриклар пайтида, болаларнинг ўсиши ва жисмоний ривожланишини қиёсий баҳолашда ишлатилиши мумкинлиги исботланган;

спастик тетрапарез мавжуд болаларда кечадиган касалликлар эрта ташхисоти самарадорлигини ошириш мақсадида бемор болалар қон зардобидаги IgA, IgG, IgM ва IgE кўрсаткичларини аниқлаш амалиётга тавсия этилган, ушбу параметрлардан бемор болаларда касаллик кечиши ва якуни истиқболини белгилашда ташхисий ҳамда прогностик мезонлар сифатида фойдаланиш клиник-имунологик самара бериши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тўғри назарий ёндашув ва ишнинг мақсад ва вазифаларига мос келадиган адекват танланган илмий-тадқиқот усулларига таянади. Ишонччилик ўтказилган тадқиқотларнинг услубий аниқлиги, шу жумладан спастик тетрапарез билан оғриган болаларнинг репрезентатив намунаси, шунингдек, худди шу ёшдаги клиник жиҳатдан соғлом болаларнинг етарли сони билан таъминланади. Тадқиқотда бир-бирини тўлдирувчи замонавий клиник, антропометрик ва статистик усуллар мажмуаси қўлланилган. Олинган маълумотларни маҳаллий ва халқаро тадқиқотлар натижалари билан таққослаш, шунингдек, натижаларни ваколатли эксперт тузилмалари томонидан текшириш кўшимча тасдиқ бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти соғлом болалар ва спастик тетрапарез билан оғриган беморларда турли тана сегментларининг антропометрик хусусиятларини комплекс таҳлил қилиш билан изоҳланади. Олинган маълумотлар кўрсатилган параметрларнинг ўзгариш қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги назарий тушунчаларни чуқурлаштиришга ёрдам беради, бу эса мавжуд илмий билимларни кенгайтиради. Тадқиқот натижалари амалий аҳамиятга эга бўлиб, улардан бир қатор турдош фанларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу патологияли болаларда аниқланган ўзгаришларни коррекциялашга қаратилган самарали реабилитация чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек, касаллик ва унинг асоратларини эрта ташхислаш ва олдини олишга

такомиллаштирилган комплекс ёндашувни шакллантиришдан иборат. Қон зардобида IgA, IgG, IgM ва IgE иммуноглобулинлари даражасини аниқлаш ҳам муҳим жиҳат бўлиб, бу диагностика аниқлигини ошириш ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини индивидуаллаштиришга ёрдам беради.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий техник кенгаши 2024-йил 26-ноябрдаги 09/32-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш тўғрисида Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2024 йил 11 ноябрдаги 04/11050-сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: Спастик тетропарез мавжуд 3-12 ёшдаги болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг шу ёшдаги БЦФ, орқа мия ва бош мия травмалари билан ташхисланган беморлар ҳамда соғлом болаларнинг кўрсаткичларидан пастлиги, уларнинг ёшга боғлиқ хусусиятлари, бола танасининг ўсиши, ривожланиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда асосланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Спастик тетропарез мавжуд болаларда антропометрик кўрсаткичларни ўрганилди ҳамда ушбу маълумотларни БЦФ, орқа мия ва бош мия травмалари билан ташхисланган беморлар ҳамда соғлом болалардан олинган кўрсаткичлар билан солиштириб ушбу кўрсаткичлар қанчалик фарқ қилиши ҳамда тананинг қайси қисми ушбу патологияда энг заиф эканлигини аниқлаш имконини берди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 25.10.2024 йилдаги №158-4 сон, Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 31.05.2024 йилдаги №1247-2-32-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: тадқиқот натижалари спастик тетропарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврида бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи бўйича самарали усулларини ишлаб чиқиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: Спастик тетропарез мавжуд бемор болаларда турли касалликлар билан мурожаат қилувчи беморлар орасида ушбу контингентдаги беморларни учраш даражаси, уларнинг ўзига хос клиникаси ҳамда янги замонавий антропометрик текширувларнинг ишлаб чиқилганлиги визуал текшириш ўтказиш жараён самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган (Бухоро давлат тиббиёт институти клиникасининг прејскурантига кўра умумий антропометрия нархи 100000 сўмни ташкил қилади). Хулоса: янги замонавий антропометрик тадқиқот усулларни қўллаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 80000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: Спастик тетропарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврдаги болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари

таққосланганда соғлом болалар параметрларидан орқада қолиши аниқланган; Илмий янгиликнинг аҳамияти: ёш жихатидан тана ўсиши ва унинг турли қисмлари антропометрик кўрсаткичлари орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқлик педиатрларга тиббий кўриклар пайтида, болаларнинг ўсиши ва жисмоний ривожланишини қиёсий баҳолашда ишлатилиши мумкинлиги исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 25.10.2024 йилдаги №158-4 сон, Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 31.05.2024 йилдаги №1247-2-32-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: тадқиқот натижалари спастик тетропарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврида бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи бўйича самарали усулларини ишлаб чиқиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: Спастик тетропарез мавжуд бемор болаларда турли касалликлар билан муурожаат қилувчи беморлар орасида ушбу контингентдаги беморларни учраш даражаси, уларнинг ўзига хос клиникаси ҳамда янги замонавий антропометрик текширувларнинг ишлаб чиқилганлиги визуал текшириш ўтказиш жараён самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган (Бухоро давлат тиббиёт институти клиникасининг прејскурантига кўра умумий антропометрия нархи 100000 сўмни ташкил қилади). Хулоса: янги замонавий антропометрик тадқиқот усулларни қўллаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 80000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: болаликнинг биринчи ва иккинчи давридаги соғлом болалар боши ва юзининг антропометрик кўрсаткичлари спастик тетропарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик давридаги болаларнинг маълумотлари билан ўрганилганда сезиларли даражада фарқланиши исботланган; Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти соғлом ва спастик тетропарез мавжуд бемор болаларда тана турли қисмларининг антропометрик параметрларини ўрганиш, ушбу параметрлардаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асослаш натижалари бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтириш, уларни илмий фаолиятнинг турли соҳаларида қўллаш билан изоҳланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 25.10.2024 йилдаги №158-4 сон, Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 31.05.2024 йилдаги №1247-2-32-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: тадқиқот натижалари спастик тетропарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврида бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи бўйича самарали усулларини ишлаб чиқиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: Спастик тетропарез мавжуд бемор

болаларда турли касалликлар билан мурожаат қилувчи беморлар орасида ушбу контингентдаги беморларни учраш даражаси, уларнинг ўзига хос клиникаси ҳамда янги замонавий антропометрик текширувларнинг ишлаб чиқилганлиги визуал текшириш ўтказиш жараён самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган (Бухоро давлат тиббиёт институти клиникасининг прејскурантига кўра умумий антропометрия нархи 100000 сўмни ташкил қилади). Хулоса: янги замонавий антропометрик тадқиқот усулларни қўллаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 80000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: болаликнинг биринчи ва иккинчи давридаги соғлом болалар пастки мучаларнинг антропометрик кўрсаткичлари спастик тетропарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврдаги болаларнинг кўрсаткичларидан сезиларли даражада фаркланиши ўрганилган; Илмий янгиликнинг аҳамияти: Спастик тетропарез мавжуд бемор болаларда тана турли қисмларининг антропометрик параметрларини ўрганиш, ушбу параметрлардаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий асослаш натижалари бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтириш, уларни илмий фаолиятнинг турли соҳаларида қўллаш билан изоҳланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 25.10.2024 йилдаги №158-4 сон, Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 31.05.2024 йилдаги №1247-2-32-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: тадқиқот натижалари спастик тетропарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврида бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи бўйича самарали усулларини ишлаб чиқиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: Спастик тетропарез мавжуд бемор болаларда турли касалликлар билан мурожаат қилувчи беморлар орасида ушбу контингентдаги беморларни учраш даражаси, уларнинг ўзига хос клиникаси ҳамда янги замонавий антропометрик текширувларнинг ишлаб чиқилганлиги визуал текшириш ўтказиш жараён самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган (Бухоро давлат тиббиёт институти клиникасининг прејскурантига кўра умумий антропометрия нархи 100000 сўмни ташкил қилади). Хулоса: янги замонавий антропометрик тадқиқот усулларни қўллаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 80000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

бешинчи илмий янгилик: Спастик тетропарез мавжуд 3-12 ёшдаги болаларда иммун тизимининг гуморал бўғинида иммун танқисликнинг кузатилиши, IgA, IgG, IgM ва IgE кўрсаткичларининг ортиши, касаллик кечиши ҳамда якуний истикболини белгиловчи қўшимча ташхислаш ва башоратлашнинг имунологик мезонлиги исботланган; Илмий

янгиликнинг аҳамияти: Спастик тетропарез мавжуд болаларда кечадиган касалликлар эрта ташҳисоти самарадорлигини ошириш мақсадида бемор болалар қон зардобидаги IgA, IgG, IgM ва IgE кўрсаткичларини аниқлаш амалиётга тавсия этилган, ушбу параметрлардан бемор болаларда касаллик кечиши ва якуни истикболени белгилашда ташҳисий ҳамда прогностик мезонлар сифатида фойдаланиш клиник-иммунологик самара бериши исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 25.10.2024 йилдаги №158-4 сон, Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 31.05.2024 йилдаги №1247-2-32-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилди. Ижтимоий самарадорлиги: тадқиқот натижалари спастик тетропарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврида бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи бўйича самарали усулларини ишлаб чиқиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: Спастик тетропарез мавжуд бемор болаларда турли касалликлар билан муружаат қилувчи беморлар орасида ушбу контингентдаги беморларни учраш даражаси, уларнинг ўзига хос клиникаси ҳамда янги замонавий антропометрик текширувларнинг ишлаб чиқилганлиги визуал текшириш ўтказиш жараён самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган (Бухоро давлат тиббиёт институти клиникасининг прејскурантига кўра умумий антропометрия нархи 100000 сўмни ташкил қилади). Хулоса: янги замонавий антропометрик тадқиқот усулларни қўллаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 80000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 139 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Биринчи ва иккинчи болалик даврида спастик тетрапарези бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларни ўрганишда замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобда спастик тетропарезнинг тавсифи, тарқалганлиги, генетикаси, соғлом бола танаси антропометрик кўрсаткичларининг жисмоний ривожланишдаги хусусиятлари, ташқи муҳит турли омиллари таъсирида бола организмнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг шаклланиши, болаликнинг биринчи ва иккинчи даврида «суяк ёши» ва унинг ўзига хос хусусиятлари, спастик тетропарез мавжуд болаларнинг жисмоний ривожланиши, спастик тетропарезда туғма нуқсонлар тузилиши ва терапевтик ёндашувларнинг ўзига хосликлари, спастик тетрапарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврида бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи бўйича самарали усулларини ишлаб чиқиш имконини берган хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар илмий манбалари ўрганилган ва шарҳланган.

Диссертациянинг «**Спастик тетрапарез мавжуд биринчи ва иккинчи болалик даврида бўлган болаларда антропометрик кўрсаткичларни ўрганишнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобда ишда фойдаланилган тадқиқот материаллари ва усулларининг тавсифи келтирилган. Тадқиқот Илмий-тадқиқот ишлари Самарқанд вилоят ногиронлар реабилитация маркази ва Самарқанд шаҳридаги “INTELLEKT” ХМТМ, 81-сон ўрта таълим мактаби ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университетида олиб борилди. Рентген текширувлари Самарқанд шаҳар “ZARMED PRATIKSHA” клиникасида олиб борилган.

Ушбу диссертация ишини бажаришда спастик тетропарез мавжуд болаликнинг биринчи ва иккинчи даврларидаги болаларнинг танаси, кўкрак қафаси, юқориги ва пастки мучалари, бош ҳамда юзнинг морфометрик параметрларини ўрганиш ва баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва туманларида истиқомат қилувчи (изланишларимиз давомида бизни тадқиқотимизда 3 ва 4 ёшли болалар тадқиқотимизга киришга бош тортгани учун) 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган 116 нафар спастик тетропарез мавжуд бемор болалар олинди (I-гурух). Олинган морфометрик маълумотларни таққослаш учун Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилоятида истиқомат қилувчи 5 ёшдан 12 ёшгача

бўлган 200 нафар амалий соғлом болалар (II-гурух) олинди. Жами 316 нафар бола кўриқдан ўтказилди.

1-жадвалдан кўришиб турибдики, биз томондан текширилган болаларнинг ёш таркиби текширилган болалар умумий сонига тўғри келган ва ўтказилган тадқиқотлар ҳажми ишончли натижалар ва хулосалар олишимизга имкон яратган.

#### 1-жадвал

#### Текширувдан ўтказилган болаларнинг ёшга қараб тақсимоти (мутлақ кўрсаткичлар), n=316

Ёши	Тадқиқот гуруҳлари болалари		Жами
	Бемор болалар	Соғлом болалар	
5 ёш	20	25	45
6 ёш	18	25	43
7 ёш	14	25	39
8 ёш	14	25	39
9 ёш	12	25	37
10 ёш	12	25	37
11 ёш	13	25	38
12 ёш	13	25	38
<b>Жами</b>	<b>116</b>	<b>200</b>	<b>316</b>

#### 2-жадвал

#### Тадқиқотдаги беморларда турли ташхисотларнинг учраш контингенти

Касалликларнинг учраши n=116	Биринчи болалик даври n=52 (44,8%)		Иккинчи болалик даври n=64 (55,2%)	
	Сони	%	Сони	%
СП	22	18,9	19	16,3
БЦФ	19	16,3	17	14,6
Орқа ва бош мия травмаси	18	9,6	21	24,3

2-жадвалдан кўришиб турибдики тадқиқотга киритилган бемор болаларда касалликларнинг турли ташхисоти мавжудлиги ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Спастик тетропарез ташхиси биринчи болалик даврида 28 нафар (18,9%) беморда болада ва иккинчи болалик даврида 19 нафар (16,3%) беморда болада қайд этилди.

БЦФ ташхиси биринчи болалик даврида 19 нафар (16,3%) беморда болада ва иккинчи болалик даврида 17 нафар (14,6%) беморда болада қайд этилди.

Орқа ва бош мия травмаси ташхиси биринчи болалик даврида 18 нафар (9,6%) беморда болада ва иккинчи болалик даврида 21 нафар (24,3%) беморда болада қайд этилди.

Барча текширилган бемор болаларнинг антропометрик маълумотлари билан бирга улар ҳақидаги маълумотлар илова қилинган: текширилган кун,

боланинг исм - шарифи, жинси, туғилган куни (кейинчалик ёшни текширув куни билан ҳисоблаш учун) (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳларини текшириш усуллари

Тадқиқот усуллари		
1-босқич	Антропометрик маълумотлар	Тана вазни, бўйи, тана, кўкрак қафаси, юқориги ва пастки мучалар, бош, юздаги ўзгаришлар
2-босқич	Инструментал тадқиқот усуллари	Спастик тетрапарез мавжуд ва соғлом болалар қон зардобидида иммунологик текширувлар

Диссертациянинг «Спастик тетрапарез мавжуд бемор болалар ва шу контингентдаги соғлом болалар жисмоний ривожланишнинг антропометрик параметрларининг қиёсий таҳлили» деб номланган учинчи бобида тадқиқот давомида спастик тетрапарез мавжуд бемор болалар ва соғлом болалар ёши 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар танланган (2021 йилдаги Н.П.Гундобиннинг «Болалик даврлари» классификациясига асосан олинган, биринчи болалик даври ёки мактабгача бўлган ёш 3-7 ёш, иккинчи болалик даври 8-12 ёш). Болаларнинг жинси бўйича таҳлил ўтказилганида ўғил ва қиз болаларнинг нисбати қандай эканлиги аниқланган (4-жадвал).

### 4-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳларидаги болаларнинг жинси бўйича нисбати


Гуруҳлар	Асосий (Бемор болалар)		Назорат (Соғлом болалар)	
	Ўғил	Қиз	Ўғил	Қиз
5 ёш	12	8	12	13
6 ёш	11	7	10	15
7 ёш	5	9	11	14
8 ёш	8	4	13	12
9 ёш	7	5	16	9
10 ёш	8	4	12	13
11 ёш	9	4	14	11
12 ёш	7	6	12	13
<b>Жами</b>	<b>116</b>		<b>200</b>	

Тадқиқот гуруҳларида бемор болалар ва соғлом болалар контингенти ўғил болаларнинг маълум бир устунлиги 59% дан 41% гача бўлиши учун танланган.

Тадқиқот давомида яна бир муҳим томони шу бўлдики, спастик тетрапарез мавжуд бемор болаларнинг она ва отаси баъзи қариндошларини сўроқ қилиш ва текшириш орқали ўрганилган (1-расм). Спастик тетрапарез мавжуд бемор болаларнинг шу жумладан, буларнинг орасида ота-онаси ва опа-сингилларда спастик тетрапарез аниқланмаган.

Спастик тетрапарез мавжуд бемор болаларнинг иккинчи даражали қариндошларида 1 нафар беморда (1,6%) аниқланган.

Спастик тетрапарез мавжуд бемор болаларнинг учинчи даражали қариндошларида 4 нафар беморда (6,6%) аниқланган.



*1-расм. Спастик тетрапарез мавжуд бемор болаларнинг яқин қариндошлик алоқалари таснифи*

Биз тадқиқот давомида спастик тетрапарез мавжуд бемор болаларнинг яшаш шароити ва ижтимоий муҳити ўрганилди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳларидаги беморларни яшаш шароити бўйича тақсимланиши

	Асосий (спастик тетрапарез мавжуд бемор болалар) n=116		Назорат (соғлом болалар) n=200	
	сони	%	сони	%
Қишлоқ	44	37,94	49	24,5
Шаҳар	72	62,06	151	75,5

Спастик тетрапарез мавжуд бемор болалар ва соғлом болалар жисмоний ривожланишининг антропометрик кўрсаткичлари ҳамда ўсиш кўрсаткичлари динамикаси 6 ва 7-жадвалларда келтирилган.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, 5 ёшли спастик тетрапарез мавжуд бемор болаларда бўй узунлиги тик турган ҳолатда 83,2 см дан 106 см гача ўзгариб, ўртача  $94,6 \pm 1,4$  см ни, ўтирган ҳолатда эса бўй узунлиги 23 см дан 31,2 см гача ўзгариб, ўртача  $27,3 \pm 0,51$  см ни ташкил этади. Тана массаси эса 11 кг дан 21,8 кг гача бўлиб, ўртача  $16,2 \pm 0,67$  кг га тенг. Кўкрак қафасининг айланаси тинч ҳолатда 57,2 см дан 59,1 см гача бўлиб, ўртача  $58,1 \pm 0,12$  см га тенг. Чуқур нафас олганда ушбу кўрсаткич 59,7 см дан 61,2 см гача ўзгариб, ўртача  $60,5 \pm 0,09$  см ни ташкил этади. Чуқур нафас чиқарилганда эса кўкрак қафаси айланаси 54,8 см дан 57,9 см гача бўлиб, ўртача  $56,3 \pm 0,19$  см га тенг.

5 ёшли БЦФ мавжуд бемор болаларда бўй узунлиги тик турган ҳолатда 80 см дан 98 см гача ўзгариб, ўртача  $90,8 \pm 1,2$  см ни, ўтирган ҳолатда эса бўй узунлиги 22 см дан 30 см гача ўзгариб, ўртача  $26,6 \pm 0,42$  см ни ташкил этади. Тана массаси эса 12 кг дан 18,8 кг гача бўлиб, ўртача  $16,2 \pm 0,67$  кг га тенг. Кўкрак қафасининг айланаси тинч ҳолатда 52,3 см дан 58,3 см гача бўлиб, ўртача  $54,1 \pm 0,10$  см га тенг. Чуқур нафас олганда ушбу кўрсаткич 56,7 см дан 60,2 см гача ўзгариб, ўртача  $58,3 \pm 0,04$  см ни ташкил этади. Чуқур нафас чиқарилганда эса кўкрак қафаси айланаси 50,8 см дан 54,9 см гача бўлиб, ўртача  $52,3 \pm 0,10$  см га тенг.

**5 ёшли бемор болалар ва соғлом болалар бўй узунлиги, тана вазни ва кўкрак қафаси айланаси кўрсаткичлари (ўртача).**

Кўрсаткичлар	Бемор болалар, n=20			Соғлом болалар, n=25
	СТ	БЦФ	Бош ва орқа мия травмаси	
Бўй узунлиги тик турганда, см	94,6±1,4*	90,8±1,2**	88,5±1,4***	104,8±0,80
Бўй узунлиги ўтирган ҳолатда, см	27,3±0,51*	26,6±0,42**	24,4±0,48***	49,8±0,86
Тана массаси, кг	16,2±0,67	14,1±0,52	11,2±0,58	16,4±0,43
Кўкрак қафасининг айланаси тинч ҳолатда, см	58,1±0,12*	54,1±0,10**	50,1±0,8***	53,4±0,27
Чуқур нафас олганда кўкрак қафасининг айланаси, см	60,5±0,09*	58,3±0,04**	55,1±0,02***	55,7±0,37
Чуқур нафас чиқарилганда кўкрак қафасининг айланаси, см	56,3±0,19*	52,3±0,10**	50,3±0,08***	51,2±0,17

*Изоҳ:* \* - соғом болалар- мавжуд бемор болалар гуруҳига нисбатан фарқлар  $p < 0,05$  да соғлом болалар гуруҳи билан аҳамиятли.

5 ёшли бош мия ва орқа мия травмаси мавжуд бемор болаларда бўй узунлиги тик турган ҳолатда 84 см дан 90 см гача ўзгариб, ўртача 88,5±1,4 см ни, ўтирган ҳолатда эса бўй узунлиги 20 см дан 26 см гача ўзгариб, ўртача 24,4±0,48 см ни ташкил этади. Тана массаси эса 9 кг дан 13,3 кг гача бўлиб, ўртача 11,2±0,58 кг га тенг. Кўкрак қафасининг айланаси тинч ҳолатда 50,1 см дан 52,4 см гача бўлиб, ўртача 50,1±0,8 см га тенг. Чуқур нафас олганда ушбу кўрсаткич 53,3 см дан 58,4 см гача ўзгариб, ўртача 55,1±0,02 см ни ташкил этади. Чуқур нафас чиқарилганда эса кўкрак қафаси айланаси 48,3 см дан 52,5 см гача бўлиб, ўртача 50,3±0,08 см га тенг.

Тадқиқот гуруҳидаги соғлом болаларда бўй узунлиги, тана вазни ва кўкрак қафаси айланаси жисмоний ривожланишни баҳоловчи асосий кўрсаткичлардан саналади.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, 5 ёшли соғлом болалар бўй узунлиги тик турган ҳолатда 96,6 см дан 112,1 см гача ўзгариб, ўртача 104,8±0,80 см ни, ўтирган ҳолатда эса бўй узунлиги 44,3 см дан 60,8 см гача ўзгариб, ўртача 49,8±0,6 см ни ташкил этади. Тана массаси эса 14 кг дан 22,4 кг гача бўлиб, ўртача 16,4±0,43 кг га тенг. Кўкрак қафасининг айланаси тинч ҳолатда 50,1 см дан 55,2 см гача бўлиб, ўртача 53,4±0,27 см га тенг. Чуқур нафас олганда ушбу кўрсаткич 51,3 см дан 58,4 см гача ўзгариб, ўртача 55,7±0,37 см ни ташкил этади. Чуқур нафас чиқарилганда эса кўкрак қафаси айланаси 50,1 см дан 53,3 см гача бўлиб, ўртача 51,2±0,17 см га тенг.

Спастик тетрапарез мавжуд бемор болалар ва соғлом болалар жисмоний ривожланишининг антропометрик кўрсаткичлари 7 ва 8 - жадвалларда келтирилган.

**Бемор болалар жисмоний ривожланишининг антропометрик  
кўрсаткичлари**

Кўрсаткич Ёш		Болаликнинг биринчи даври (5-7 ёш)	Болаликнинг иккинчи даври (8-12 ёш)
Болалар сони		41	79
Бўй узунлиги (см)	тик турган ҳолатда	94,2-105,1 100,4±0,55	109,0-129,1 116,4±0,39*
	ўтирган ҳолатда	29,9-46,8 35,7±0,41	45,9-60,0 50,3±0,31*
Тана массаси (кг)		12,0-24,0 20,5±0,36	20,0-38,2 28,9±0,37*
Кўкрак қафаси айланаси (см)	тинч ҳолатда	58,3-60,0 59,4±0,21	60,0-72,4 65,9±0,41*
	чуқур нафас олганда	61,3-62,2 61,6±0,25	62,3-88,2 72,5±0,38*
	чуқур нафас чиқарилганда	56,4-62,5 58,0±0,20	58,2-72,9 65,7±0,39*

*Эслатма:* - олдинги ёшга нисбатан ишончлилик даражаси кўрсатилган.

**Соғлом болалар жисмоний ривожланишининг антропометрик  
кўрсаткичлари**

Кўрсаткич Ёш		Болаликнинг I-даври (5-7 ёш)	Болаликнинг II-даври (8-12 ёш)
Болалар сони		27	33
Бўй узунлиги (см)	тик турган ҳолатда	96,5-127,1 114,4±0,55	119,0-149,1 136,4±0,39*
	ўтирган ҳолатда	44,0-66,8 55,7±0,41	54,9-79,0 64,3±0,31*
Тана массаси (кг)		14,0-34,0 20,5±0,36	22,0-50,2 30,9±0,37
Кўкрак қафаси айланаси (см)	тинч ҳолатда	50,2-62,0 55,7±0,21	55,0-86,4 64,9±0,41*
	чуқур нафас олганда	51,1-65,2 57,6±0,25	59,3-88,2 68,5±0,38*
	чуқур нафас чиқарилганда	50,2-61,5 54,0±0,20	53,2-83,9 63,7±0,39*

*Эслатма:* \*-олдинги ёшга нисбатан ишончлилик даражаси кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, спастик тетрапарез мавжуд бемор болаларларнинг бўй узунлиги соғлом болаларга нисбатан болаликнинг ҳам биринчи (2,6%), ҳам иккинчи (2,2%) даврида бироз пастроқ эканлиги аниқланди. Тана вазнига кўра, болаликнинг биринчи даврида сезиларсиз даражада (6,0%), болаликнинг иккинчи даврида эса сезиларли (17,1%) даражада паст. Кўкрак қафаси айланаси болаликнинг даврларига кўра текширув натижаларига асосан болаликнинг биринчи давридаги спастик

тетрапарез мавжуд бемор болаларда кўкрак қафаси айланаси турли ҳолатлар бўйича (тинч, чуқур нафас олганда ва б.) соғлом болаларга нисбатан юқори, болаликнинг иккинчи даврида эса аксинча: кўкрак қафаси айланаси турли ҳолатларга нисбатан кичикроқ. Буларнинг барчаси спастик тетрапарез тананинг жисмоний шаклланишини тубдан ўзгартириши, бу эса болаликнинг иккинчи даврида яққол намоён бўлишини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Спастик тетрапарез мавжуд бемор болалар ва шу контингентдаги соғлом болалар тана қисмининг қиёсий морфометрияси**» деб номланган тўртинчи бобида спастик тетрапарез мавжуд бемор болаларнинг қўлнинг узунлиги бўйича ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги 9 ёшда (7,6%) энг юқори бўлиб, 11 ёшда (0,1%) энг кам кўрсаткичга эга бўлганлиги аниқланган.

Елка узунлиги бўйича ўсиш кўрсаткичи энг юқори бўлган ёш эса 12 (4,8%), энг кам бўлган ёш 10 (0,4%).

Елка кенлиги бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичи жадаллиги 7 ёшда (7,2 %) ва энг кам кўрсаткич 12 ёшда (0,1%) эканлиги аниқланган.

Елка айланаси бўйича ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги энг юқори бўлган ёш 10 (3,8%) ва 8 (3,2%), энг кам бўлган ёш эса 11 (0,9 %).

Билак узунлиги бўйича ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги 12 ёшда (6,1%) энг юқори бўлиб, 6 ёшда (0,3%) энг кам кўрсаткичга эга бўлган.

Қўл панжаси узунлиги бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичи жадаллиги 6 ва 8 ёшда (4,9%), энг кам кўрсаткич 11 ёшда (0%)лиги аниқланган.

Соғлом болаларда қўлнинг узунлиги бўйича ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги 9 ёшда (9,9%) энг юқори бўлиб, 11 ёшда (2,1%) энг кам кўрсаткичга эга бўлган.

Елка узунлиги бўйича ўсиш кўрсаткичи энг юқори бўлган ёш эса 12 (6,8%), энг кам бўлган ёш 10 (1,4%).

Елка кенлиги бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичи жадаллиги 7 ёшда (9,2 %) ва энг кам кўрсаткич 12 ёшда (2,1%) эканлиги аниқланган.

Елка айланаси бўйича ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги энг юқори бўлган ёш 10 (5,8%) ва 8 (5,2%), энг кам бўлган ёш эса 11 (0,9 %).

Билак узунлиги бўйича ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги 12 ёшда (8,1%) энг юқори бўлиб, 6 ёшда (2,3%) энг кам кўрсаткичга эга бўлган.

Қўл панжаси узунлиги бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичи жадаллиги 6 ва 8 ёшда (6,9%) ва энг кам кўрсаткич 11 ёшда (0%)лиги аниқланган.

Соғлом болаларда оёқнинг узунлиги бўйича ўсиш кўрсаткичининг жадаллиги 7 ёшда (8,9%) энг юқори бўлиб, 12 ёшда (1,9%) энг кам кўрсаткичга эга бўлган.

